



НОКИМИ

ҲОКИМИ

141100, Samarqand viloyati Nurobod tumani Nurobod shaxri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy, Tel: /8-366/ 633-16-34, Fax: /8-366/ 231-98-81, E-mail: nurobod@samarkand.uz

ҚАРОР

2013 йил 21 октябрь

№ 549-қ

Ер участкаси ажратиш ва
қурилишга рухсат бериш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, «Ер кодекси»нинг 6, 26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ ўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2011 йил 26 майдаги №146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2013 йил 25 июндаги №178 сонли «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида «SAMARKAND AVTODIAGHOSTIKA» МЧЖ томонидан Нуробод тумани Сазагон қишлоқ фуқаролар йиғини Оқсой маҳалласи ҳудудидаги «Хазрати Довуд» зиёратгоҳи ҳудудида «Осма арқон ҳаво йўли», аҳоли дам олиш маркази, 50 ўринли меҳмонхона, шарқона услубдаги чойхона, ошхона ва савдо мажмуаси бинолари қуриб атрофида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун ер майдони ажратиб қурилишга рухсат беришни сўраб ёзилган 2013 йил 10 октябрдаги №26/12 сонли хати ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2013 йил 10 октябрдаги далолатномаси ва тўпланган ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. «SAMARKAND AVTODIAGHOSTIKA» масъулияти чекланган жамиятига Нуробод тумани Сазагон қишлоқ фуқаролар йиғини Оқсой маҳалласи ҳудудидаги 467,469,454,455 ва 459 контурларда жойлашган туман ҳокимлиги захирасидаги яйлов ер майдонидан 5,0 гектарга «Хазрати Довуд» зиёратгоҳида аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида «Осма арқон ҳаво йўли», аҳоли дам олиш маркази, 50 ўринли меҳмонхона, шарқона услубдаги чойхона, ошхона ва савдо мажмуаси бинолари қуриб атрофида ободонлаштириш ишларини амалга оширишга рухсат берилиб ер майдони ажратилсин.

2. "SAMARKAND AVTODIAGHOSTIKA" МЧЖ директори Рахмонов Абдухамидга куйидаги вазифалар юклатилсин:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 25 майдаги №146-сонли қарорига асосан "Хазрати Довуд" зиёратгоҳида аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида "Осма арқон ҳаво йўли", аҳоли дам олиш маркази, 50 ўринли меҳмонхона, шарқона услубдаги чойхона, ошхона ва савдо мажмуаси бинолари қуриш учун ажратилган 5,0 (беш) гектар туман ҳокимлиги заҳирасидаги яйлов ер майдонидан тоғ минтақасидаги ер майдони учун ишлаб чиқариш нобудгарчилигини ўрнини қоплаш мақсадида 1126000 (бир миллион бир юз йигирма олти минг) сўмни вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига тўлаб бериш.

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (А.Рахимов)га "SAMARKAND AVTODIAGHOSTIKA" масъулияти чекланган жамияти томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини "Ўз ГАШКЛИТИ" ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (А.Рахимов) ва туман "Ер ресурслари ва давлат кадастри" бўлими (Н.Куйлиев) лар зиммасига юклатилсин.

5. "SAMARKAND AVTODIAGHOSTIKA" масъулияти чекланган жамияти томонидан бир йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу лойиҳа уз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Ниёзов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими

Ж.Ибрагимов